

ТИББИЁТДА ҚЎЛЛАНИЛИШИГА ДОИР ЙЎРИҚНОМА ЛИОТОН 1000®

Препаратнинг савдо номи: Лиотон 1000®

Таъсир этувчи модда (ХПН): гепариннинг натрийли тузи

Дори шакли: гель.

Таркиби:

1 грамм гелда куйидагиларни сақлайди:

фаол модда:

гепариннинг натрийли тузи 1000 ХБ

ёрдамчи моддалар:

этанол, карбомер, триэтаноламин, метилпарагидроксибензоат (Е218), пропилпарагидроксибензоат (Е216), неролийли ароматизатор (унинг таркибида линалоол, D-лимонен, гераниол, цитраль, цитронеллол ва фарнезол сақланади), лавандин мойи (унинг таркибида линалоол, D-лимонен, гераниол ва кумарин сақланади), тозаланган сув.

Тавсифи: Лиотон 1000® гель рангсиз ёки озгина сарғиш рангдаги, деярли тиниқ, хушбўй, қовушқоқ консистенцияли гелдир.

Фармакотерапевтик гуруҳи: антиварикоз восита, гепарин ёки маҳаллий қўллаш учун гепариноидлар.

АТХ коди: С05ВА03.

Фармакологик хусусиятлари

Фармакодинамикаси

Тажрибавий фармакологик маълумотлар Лиотон 1000® гел тери орқали қўлланилишида яққол кўринувчан шишга қарши, антигрануломатоз, антиэксудатив, яллиғланишга қарши ва антикоагулянт таъсирга эга эканлиги ҳақида далолат беради.

Фармакокинетикаси

Каламушларда ўтказилган фармакокинетик тажрибалар плазмада гепарин маҳсулоти қўлланилганидан кейин 24 соатга қадар аниқланиши мумкинлигини кўрсатди. Максимал даражага 8 соат ўтиб эришилади. Асосан буйраклар орқали чиқарилади.. Лиотон 1000® гел препаратининг ташқи юзаларга қўлланилиши, одамда коагуляция тизимининг параметрларини ҳеч қандай ўзгаришини чақирмайди.

Қўлланадиган ҳолатлар

Веналарнинг варикоз кенгайиши ва асоратлар, флеботромбоз, тромбофлебит, юзаки перифлебит, трофик яралар каби юзаки веналарнинг касалликларини даволаш. Жарроҳлик амалиётидан кейинги ва рикофлебит; тос суягининг тери ости катта венаси олинган олиб ташлангандан кейинги ҳолат.

Жароҳатлар ва лат ейишлар, маҳаллий шишлар ва инфилтратлар, тери ости қон куйилиши. Мушак-пай ва капсула-боғламли аппаратнинг жароҳатли шикастланиши.

Қўллаш усули ва дозалари

Дозалаш

Суткада 1-3 марта шикастланган жойга 3-10 см гелни эҳтиёткорлик билан суртилади. Қўллашнинг етарлича бўлмаган тажрибаси ва маълумотларнинг етарлича бўлмаган сонини инобатга олган ҳолда, ушбу препаратни болаларда қўллаш тавсия этилмайди.

Педиатриядаги пациентлар

Болаларда Лиотон 1000® гел препаратининг хавфсизлиги ва самарадорлиги аниқланмаган.

Агар Сиз Лиотон 1000®ни суртишни унутган бўлсангиз

Агар Сиз Лиотон 1000® препаратини суртишни унутган бўлсангиз, уни ёдга олишингиз билан суртиб олинг. Препаратни икки мартаба суртилмасин, компенсация қилиш учун препаратни икки марталик дозада қўлламанг.

Ножўя таъсирлари

Гепаринни терига суртилгандан кейин жуда кам ҳолларда аллергия реакциялар кузатилади (“жуда кам ҳолларда” у 10 000та пациентлардан камида 1тасида учрашини билдиради). Бироқ, алоҳида ҳолатларда (тез-тезлик номаълум: мавжуд бўлган маълумотлардан келиб чиққан ҳолда баҳолаш мумкин эмас), айниқса узоқ вақт қўллашда, юқори сезувчанлик реакциялари ривожланиши мумкин, масалан, тери қатламларининг қизариши ва қичишиш, улар одатда препаратни бекор қилишдан кейин ғойиб бўлади.

Эҳтимолли ножўя реакциялар ҳақида хабарлар

Дори препаратини рўйхатдан ўтказгандан кейин эҳтимолли ножўя реакциялар ҳақида хабарлар муҳим роль ўйнайди. Бу ушбу дори воситасига нисбатан фойда ва хавф мутаносибликни кузатиб боришни давом эттиришга имкон беради. Соғлиқни сақлаш тизими ходимлари қуйидаги манзил бўйича Ўзбекистондаги “Берлин-Хеми АГ” Компаниясининг Ваколатхонасига ҳар қандай эҳтимолли ножўя реакциялар ҳақида хабар беришлари керак: Тошкент ш., 100031, Афросиёб кўчаси, 12а уй (бизнес-марказ).

Қўллаш мумкин бўлмаган ҳолатлар

“Таркиби” бўлимида санаб ўтилган таъсир этувчи модда гепаринга ёки бирор бир ёрдамчи моддаларга юқори сезувчанлик.

Дориларнинг ўзаро таъсирлари ва ўзаро таъсирларнинг бошқа турлари

Гепариннинг қўлланилиши перорал антикоагулянтларни қабул қилаётган пациентларда протромбин вақтини узайтиради

Махсус кўрсатмалар ва қўллаганда қўриладиган эҳтиёт чоралари

Геморрагик синдромнинг мавжудлигида Лиотон 1000® гель препаратининг қўлланилиш эҳтимолини синчков чамалаб кўриш керак.

Лиотон 1000® гелни қон кетишларда, очиқ жароҳатларга ёки шиллик қаватга, ҳамда инфекцияли йирингли жараёнларга суртиш мумкин эмас.

Лиотон 1000® гель препарати таркибида консервантлар сифатида метилпарагидроксибензоат (Е218) ва пропилпарагидроксибензоат (Е216) мавжуд, улар аллергия реакцияларни чақириши мумкин (эҳтимол, секинлашган турдаги).

Ушбу дори воситаси таркибида цитраль, цитронеллол, кумарин, D-лимонен, фарнезол, гераниол ва линалоол кирадиган ароматизаторлар сақланади. Цитраль, цитронеллол, кумарин, D-лимонен, фарнезол, гераниол ва линалооллар аллергия реакцияларни чақириши мумкин.

Фертилик, ҳомиладорлик ва лактация

Ҳомиладорлик вақтида ва лактация даврида препаратни қўллаш бўйича ўзига хос маълумотлар мавжуд эмас.

Автотранспорт воситаларини бошқариш ва механизмларга хизмат кўрсатиш қобилиятига таъсири

Лиотон 1000® гель транспорт воситаларини бошқариш ва механизмларга хизмат кўрсатишга таъсир кўрсатмайди ёки аҳамиятсиз таъсир кўрсатади.

Дозанинг ошириб юборилиши

Дозадан ошириб юбориш ҳолатлари ҳақида хабар берилмаган. Дозадан ошириб юбориш ҳолатида гепарин таъсирини сульфат протамин томонидан барқарорлаштирилиш эҳтимоли бор.

Хавфсизлик бўйича клиникагача бўлган маълумотлар

Сичқонларда ва каламушларда ўтказилган ўткир токсиклик тажрибалари Лиотон 1000® гель тери остига ва қорин пардаси ичига юборилишида жуда паст токсикликка эга эканлигини кўрсатди (LD₅₀ 2000 мг/кг). Терига суртишда узоқ муддатли даволаш ва ўрта

давомийликдаги даволаш шу билан бирга дори препаратининг яхши маҳаллий ва тизимли кўтараолишлигини кўрсатди.

Чиқарилиш шакли

Мувофиқ ҳажмдаги, юмшоқ алюминийдан тайёрланган, ичидан токсик бўлмаган эпоксид смоласи билан қопланган туба. Иккиламчи қадоқ ўзи билан матн чоп этилган картон кутини тақдим этади, унинг ичига тиббиётда қўлланилишига доир мувофиқ йўриқнома солинган.

Дори воситаси гельнинг 20 г, 30 г, 50 г ёки 100 гдан тубада чиқарилади.

Сотувда барча ўлчамдаги ўрамлар бўлмаслиги мумкин.

Сақлаш шароитлари

25°Сгача бўлган ҳароратда сақлансин.

Болалар ололмайдиган жойда сақлансин.

Яроқлилик муддати:

60 ой.

Тубани биринчи очилишидан кейин яроқлилик муддати 6 ойни ташкил қилади.

Картон қадоқда ва тубада кўрсатилган яроқлилик муддати ўтганидан кейин, мазкур дори воситасини бошқа қўлланманг. Яроқлилик муддатининг якуний санаси кўрсатилган ойнинг охирги куни ҳисобланади.

Ҳеч қандай дори препаратларини канализацияга ташлаб юборманг. Керак бўлмаган дори препаратини қандай утилизация қилишга нисбатан дорихона ходими билан маслаҳатлашинг. Бу чоралар атроф-муҳит ҳимоясига ёрдам беради.

Дорихоналардан бериш тартиби

Рецептсиз.

Қайд этиш гувоҳномасининг эгаси ва ишлаб чиқарувчи

Қайд этиш гувоҳномасининг эгаси

А. Менарини Индустрiaz Фармачеутике Риунитэ С.р.л.

Виа Сеттэ Санти, 3

Флоренция

Италия

Ишлаб чиқарувчи

А. Менарини Мэнюфекчеринг Лоджистикс энд Сервисиз С.р.л.

Виа Сеттэ Санти, 3

50131 Флоренция

Италия

Ваколатли вакил

БЕРЛИН-ХЕМИ АГ (МЕНАРИНИ ГРУПП)

Глиникер Вег 125

12489 Берлин

Германия

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ушбу дори воситасининг сифатига нисбатан эътирозларни (таклифларни) қабул қилувчи ташкилот номи ва манзили:

Ўзбекистонда «Берлин-Хеми АГ» Компанияси Ваколатхонаси

Ўзбекистон 100031, Тошкент ш. Афросиёб кўчаси, 12а уй (бизнес-марказ)

Тел.: (+998 71) 252 25 57, 252 77 01.